

«Шўртангазкимё» мажмуаси жамоаси

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан

барча юртдошларимизга

эзгу тилаklarини изҳор этади.

Ўз ҳаётини Ватан озодлиги,

бахт-саодати учун қурбон қилган

ота-боболаримиз хотираси

қалбимизда мангу яшайди.



Фахрийлар зиёрати

Т.БЕКНАЗАРОВ,
УзА мухбири.

Мустақиллик йилларида юртимизда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз жасоратини ёд этиш, бугун орамизда яшаётган нурунийларни эъзозлаш эзгу аёнанага айланди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 22 апрелда қабул қилинган фармонида мувофиқ Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиши, мукофотлар билан тақдирланиши бу борадаги хайрли ишларнинг мантиқий давомидир.

Жиззах вилояти ҳокимлиги, «Нуруний» жамғармаси вилоят бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ва ёшлар иштирокида пойтахтимизга уюштирилган зиёрат икки авлод вакиллари ўртасидаги аёнана

бардавомлигини янада мустақамлашга хизмат қилди. Сафар давомида кекса авлод вакиллари ёшларга ўз хотираларидан сўзлаб бердилар.

Жиззахлик фахрийлар Мустақиллик майдонида бўлиб, Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйдилар, Ватан озодлиги учун жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

— Ёшларимиз бой тарихимизни яхши билсалар, Ватанга муносиб фарзанд бўлиб вояга етадилар, — дейди Жиззах шаҳри Сангзор маҳалласида яшовчи уруш фахрийси Низом ота

Сувонқулов. — Хотира майдони ўз мазмун-моҳиятига кўра, нафақат бугунги, балки келгуси ҳаётимизда, айниқса, ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Мотамсаро она ҳайкали ҳар бир ўғил-қизни юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик, осойишталикни кўз қорачигидек асрашга ундайди. Ёшларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилаётган шарт-шароитлар, кексаларга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, оилалардаги тўқинлик ва шод-хуррамлик ана шундай улуг неъматлар шарофатидир.



Кармана туманидаги «Магазин қандил» хусусий корхонаси жамоаси

Ўз ҳаётларини аямай жангоҳларда жанг қилган юртимиздаги барча уруш қатнашчиларини Хотира ва қадрлаш куни билан самимий қутлайди. Ҳаммага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, тинчлик, хотиржамлик тилайди!

Шовот туман тиббиёт бирлашмаси жамоаси

барча юртдошларимизни

9 май — Хотира ва қадрлаш куни билан самимий қутлайди!

Ушбу улуг айём кунларида Ватанимиз тинчлиги ва ободлиги йўлида яшаб меҳнат қилган бобокалонларимизни, момоларимизни хотирлаб, шу билан бирга, бугунги кунда юртимиз ёшларига тўғри йўл кўрсатиб келаётган қарияларимизга соғлик, осойишталик ва хотиржамлик тилайди.

Ҳамиша юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!





**«Шўртаннефтгазкимё»
шўъба корхонаси жамоаси**

*олам аро кундан-кунга чирой очаётган
юртимиз аҳлини*

**9 май – Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан**

самимий муборакбод этади.

*Ватан ҳимояси, эл тинчлиги йўлида жон берган
инсонлар хотираси ҳеч қачон унутилмайди!*

**Кексалик гаштини сураётган
азиз фахрийлар қалбимиз қўри,
дастурхонларимиз тўри
сизлар учун!**



ҚУВА «МАТЛУБОТСАВДО»

масъулияти
чекланган
жамияти
жамоаси



Инсон қадри улуғланиб,
сўнмас хотираси
эъзозланаётган
шу унутилмас кунларда
халқимизга сиҳат-саломатлик,
юртимиз равнақи ва элимиз
фаровонлиги йўлидаги
бунёдкорона меҳнатиди
улкан муваффақиятлар
тилайди.
Ўзбекистонимизнинг
ҳар бир хонадонидан
қут-барака аримасин.

«Асака» банк (ОАЖ) жамоаси

9 май — Хотира ва қадрлаш кунин билан
аждодлар руҳини ёд этади ва
барча юртдошларимизга
эзгу тилакларини изҳор этади.

Ўз ҳаётини Ватан озодлиги,
бахт-саодати учун қурбон қилган
ватандошларимиз хотираси
қалбимизда абадий яшайди.

Ўтганларнинг руҳини шод этмоқ,
атрофимиздаги инсонларни қадрлаш эса
бизнинг муқаддас бурчимиз, қолаверса,
анъанага айланган қадриятимиздир.



«Адолат» СДП аъзоси — «Баркамол авлод» ўйинлари совриндори

Президентимиз раҳна-
молигида юртимизда
ёшларни жисмоний тар-
бия ва спортга кенг жалб
этиш борасида амалга
оширилаётган кенг қўла-
ли ишлар баркамол авлод-
ни вояга етказишдек, эзгу
мақсадларга хизмат қил-
моқда. Зеро, спорт соғлом
турмуш тарзини кенг жой-
рий қилиш Ватанимиз
шону шуҳратини халқаро
миқёсда янада ошириш-
нинг муҳим воситаларидан
биридир.

Ифтихор

Бурхониддин АБДУГАНИЕВ.

Кадрлар тайёрлаш Миллий
дастурининг узвий ва муҳим
бўлаги ҳисобланган уч босқичли
спорт тизими — «Умид ниҳолла-
ри», «Баркамол авлод», «Универ-
сиада» мусобақалари халқаро
майдонларда мамлакатимиз бай-
роғини баланд кўтарадиган, юрт
шаъни, халқ гурури учун кура-
шадиган фидойи спортчиларни
тарбиялашда мактаб вазифаси-
ни ўтамоқда.

Бугунги кунга келиб, белбоғ-
ли кураш халқаро майдонда ом-
малашаётган спорт турига ай-
ланди. Бу борада ўзбек кураш



мактаби дунёдаги энг кучлилар-
дан ҳисобланади. Чунки ўзбек
халқи маданияти билан чамбар-
час боғлиқ бўлган белбоғли кураш
асрлар давомида халқимиз-
нинг миллий қадрияти сифатида
қон-қонимизга сингиб кетган.
Термиз шаҳрида ўтказилган
«Баркамол авлод» спорт ўйинла-
ри дастуридан муштажам жой ол-
ган Белбоғли кураш мусобақа-
лари ҳам ҳар қачонгидан кўра,
кўтаринки кайфиятда ўтди. Худди
шу мусобақада Республика Олим-
пия захиралари коллежи ўқувчи-
си, Ўзбекистон «Адолат» СДП
аъзоси Улуғбек Умаров ҳам +71
кг. вазн тоифасида қатнашиб,
фахрли учинчи ўринни эгаллади.
Белбоғли кураш бўйича бир

неча бор Ўзбекистон, Жаҳон
чемпионати совриндори, кўплаб
халқаро турнирлар ғолиби Улуғ-
бек ўз устида ишлагани бир зум
бўлса-да тўхтатмай келмоқда.

— Истиқлолимизнинг йигир-
ма йиллиги олдида ўтказилган
мусобақага мезбонлар томони-
дан барча шароитларнинг яра-
тилганлиги бизни хурсанд қилди.
— дейди, ёш спортчи У.Умаров.
— Аввало, шуни айтишим ўрин-
лики, Юртбошимизнинг йўлла-
ган табриклари биз спортчилар-
га куч-гайрат ва шижоат бахш
этди. Беллашувлар адолатли,
ҳаққоний, бирдамлик руҳида
ўтди.

Айтиш жоизки, мамлакатимиз
терма жамоаси ҳам Белбоғли ку-
раш бўйича ўтказилаётган жаҳон
чемпионатларида расман 2005
йилдан буён қатнашиб келаёт-
ган бўлса-да, дунёда энг кучли-
лардан эканини исботлашга ул-
гурди.

Дарҳақиқат, келгусида мамла-
катимиз тарихиётичи, халқимиз
фаровонлигини, ҳаётимизнинг
осойишта ва тинч-тотувлигини
келажагимиз эгалари камол то-
паётган Баркамол авлод таъмин-
лайди. Зеро, юртимизда эркин
демократик жамият қуриш учун
кенг қўламли вазифаларни ҳал
этишга қодир бўлган, ҳеч ким-
дан кам бўлмаган, жисмонан,
ҳам маънан етуқ, миллий ва
умуминсоний қадриятларимиз
руҳида тарбияланаётган, барка-
мол авлод вояга етмоқда.

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Таҳрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Исмоял САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА,
Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО,
Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ,
Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Таҳририят манзили: 100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

adolat_gazeta@mail.ru

1 — Тижорат
мақола белгиси.



Бosh муҳаррир: Худойер МАМАТОВ
Бosh муҳаррир биринчи ўринбосари:
Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва
парламент фаолияти бўлими — 236-57-14;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва
шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39;

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс);
копибит — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — А. АБДУЛБОҚИЕВ.
Навбатчи — Н. АБДУХАЛИЛОВ.

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят
руҳсати билан амалга оширилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г—500. Ҳажми — 2 босма табоқ,
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6789.
Босишга топшириш вақти — 00.20 Босишга топширилди — 00.40

1 2 3 5

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

